



CONCEPTS OF WOMEN LEADERS IN WESTERN SOCIO-POLITICAL THOUGHT

Khulkar Kholikulova

Associate Professor

Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: women leaders, Western countries, gender equality, education, politics, economics, historical processes, social development.

Received: 23.03.25

Accepted: 25.03.25

Published: 27.03.25

Abstract: This article analyzes the history of the development of women leaders in Western countries. It examines women's leadership experience in politics, economics, science, and culture, highlighting historical processes, social changes, and movements for achieving gender equality. Additionally, the contribution of outstanding women leaders to societal development, their role in decision-making, and the challenges they faced are explored. The article also reviews programs aimed at shaping and advancing women's leadership in Western countries during the 20th and 21st centuries, as well as the role of the education system in this process. From a scientific perspective, the formation of gender equality and leadership principles in Western societies is assessed, along with an evaluation of contemporary achievements in this field.

ҒАРБ ИЖТИМОЙ СИЁСИЙ ТАҒАҚҚУРИДА ЛИДЕР АЁЛЛАРГА ОИД КОНЦЕПЦИЯЛАР

Ҳулкар Холикулова

доцент

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Лидер аёллар, Ғарб мамлакатлари, гендер тенглиги, таълим, сиёсат, иқтисод, тарихий жараёнлар, ижтимоий ривожланиш.

Аннотация: Мазкур мақолада Ғарб мамлакатларида лидер аёлларни етиштириш тарихи таҳлил қилинган. Аёлларнинг сиёсат, иқтисод, илм-фан ва маданият соҳаларидаги етакчилиги тажрибаси ўрганилиб, тарихий жараёнлар, ижтимоий

ўзгаришлар ва гендер тенгликка эришиш йўлидаги ҳаракатлар ёритилади. Шунингдек, буюк аёл лидерларнинг жамият ривожига қўшган ҳиссаси, уларнинг қарор қабул қилишдаги роли ва бу жараёнда дуч келган тўсиқлар таҳлил этилади. Мақолада XX-XXI асрларда Ғарб давлатларида аёллар етакчилигини шакллантириш ва ривожлантиришга оид дастурлар, таълим тизимининг ўрни ҳам кўриб чиқилади. Гендер тенглиги ва лидерлик тамойилларининг Ғарб жамиятларида қандай шаклланиши ва бугунги кунда қандай натижаларга эришилгани ҳақида илмий нуқтаи назардан баҳо берилади.

КОНЦЕПЦИИ О ЖЕНЩИНАХ-ЛИДЕРАХ В ЗАПАДНОЙ СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ МЫСЛИ

Хулкар Холикулова

Доцент

Правоохранительной академии Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: женщины-лидеры, западные страны, гендерное равенство, образование, политика, экономика, исторические процессы, социальное развитие.

Аннотация: В данной статье анализируется история подготовки женщин-лидеров в западных странах. Изучается опыт лидерства женщин в политике, экономике, науке и культуре, освещаются исторические процессы, социальные изменения и движения за достижение гендерного равенства. Кроме того, рассматривается вклад выдающихся женщин-лидеров в развитие общества, их роль в принятии решений, а также препятствия, с которыми они сталкивались. В статье анализируются программы, направленные на формирование и развитие женского лидерства в западных странах в XX–XXI веках, а также роль системы образования в этом процессе. С научной точки зрения оценивается формирование принципов гендерного равенства и лидерства в западных обществах, а также рассматриваются современные достижения в данной сфере.

Аёллар ва эркаларнинг ижтимоий тенглиги масаласи, гендер камситишларига барҳам бериш ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ижтимоий, сиёсий ва маданий қарашларнинг шаклланиш жараёни узоқ тарихга эга. Феминизмнинг келиб

чиқиши XVIII асрнинг охирида Европа ва Шимолий Америкада аёллар ҳуқуқлари масалалари фаол муҳокама қилина бошлаган пайтларга бориб тақалади. Илк феминизм ғояларини акс эттирувчи биринчи йирик ҳужжатлардан бири – Мери Уолстоункрафтнинг "Аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилиш" (1792) асаридир. Унда Мери хотин-қизларнинг таълим олиши, уларнинг тенг ҳуқуқли эканини илгари сурган.

Бугунги кунда дунё мамлакатларида жамиятда лидер аёллар масаласига қизиқиш ва эҳтиёж ортиб бормоқда. XXI асрда феминизм глобал ижтимоий сиёсатдаги шов-шувли ҳаракатлардан бирига айланди. Ғарб мамлакатларида феминистик ғоялар оммавий маданиятнинг бир қисмига айланди ва кўплаб аёллар тенг ҳуқуқ ва имкониятлар учун курашда сезиларли ютуқларга эришдилар. Мисол учун, каби ҳаракатлар жамиятга катта таъсир кўрсатиб, жинсий зўравонлик ва таъқиблар муаммосига жамоатчилик эътиборини қаратди.

Лекин, бундай муваффақиятларга қарамасдан, феминизм баъзи мамлакатларда, айниқса, анъанавий ёки диний қарашлар ҳукмрон бўлган жойларда қаршиликка дуч келади. Яқин Шарқ, Африка ва Марказий Осиёда гендер тенгсизлиги долзарб муаммо бўлиб қолмоқда ва феминистик ғоялар кўпинча миллий ёки диний кадрларга таҳдид сифатида қабул қилинади. Шу билан бирга, Осиё ва Африканинг айрим мамлакатларида феминистик ҳаракатлар тенглик ва анъанавий меъёрлар ўртасидаги мувозанатни топишга интилиб, ўз ёндашувларини маданий ва диний шароитларга мослаштирмоқда[1].

Ғарбий Европа давлатларида аёллар лидерлигининг тараққиёти бугунги кунда нафақат гендер тенглиги, балки самарали бошқарув тизими ва инклюзив жамият куришдаги муҳим омил сифатида қаралмоқда. Лидер аёлларнинг келиб чиқиши замонавий жамиятда ижтимоий инновациялар ва адолатли бошқарувни таъминлаш йўлидаги энг муҳим восита сифатида эътироф этишмоқда[2].

Бу даврда яшаб ўтган олимларнинг таълимотлари XVIII-XIX асрларда ғарб мамлакатларида аёлларнинг шахсий эркинлиги ва мустақиллигига эришишда илмий асосларни яратиб берди. Бу ўз навбатида жамиятда лидер аёлларнинг етишиб чиқишига замин яратди. Натижада XX асрга келиб Ғарбий Европа мамлакатларида гендер тенглиги ва аёлларнинг етакчилик салоҳиятларини илмий асословчи янги назарий ёндашувлар пайдо бўлди. XX асрдаги кўплаб олим ва мутафаккирлар ўз асарларида аёлларнинг лидерлик салоҳиятини, уларнинг жамиятдаги ўрнини ва ролини ўз асарларида эътироф эта бошладилар. Симон де Бовуар, Бетти Фридан, ва Шерил Сэндберг каби олимлар жамиятдаги диний таълимотлар таъсири остида вужудга келган аёлларга нисбатан

чекловларни инкор қилди ва аёлларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқлари, уларнинг жамиятдаги тенглик учун ҳаракатлари ҳамда раҳбарлик қобилиятларини эътироф этди[3].

Америкалик ёзувчи Бетти Фриданнинг 1963 йилда нашр этилган “Аёллик муаммоси” китоби XX асрнинг 50–60-йилларидаги америкалик аёлнинг умумий портретини яратадиган ўзига хос психологик эссе ҳисобланади. Бетти Фриданнинг концепциясига кўра, аёлларнинг оиладаги маиший масалалар билан ўралашиб қолишлари нафақат ўша аёлнинг шахсий ривожланиши учун, балки бутун жамият учун катта йўқотиш эканлигини таъкидлайди. Ёзувчи аёлларни “янги ҳаёт режаси”ни қабул қилишга чақирди: аввало, таълим олиш ва карьера қилиш, шундан кейингина оила қуришни тавсия қилади[4]. Бетти Фридан биринчилардан бўлиб абортларга тақиқ қўйилишга қарши, меҳнат ҳақи ва карьера имкониятларида тенглик, шунингдек, бола парвариши учун таътил олиш ҳуқуқи учун курашган. Унинг таъкидлашича, абортни қўллаб-қувватламайди, балки бола туғиш ҳуқуқи аёлнинг шахсий танлови бўлиши керак деб ҳисоблайди[5].

Бетти Фридан ғоялари АҚШдаги феминистик ҳаракатнинг иккинчи тўлкинини шакллантиришда катта роль ўйнади. Унинг фалсафаси замонавий маданиятда, айниқса, ғарб университетларида пайдо бўлган “аёллар тадқиқотлари” марказларида ўқитила бошлади. 1966 йилда у Миллий аёллар ташкилотига асос солди ва 1966–1970 йилларда унинг президенти бўлди. Ушбу ташкилот аёлларга нисбатан дискриминацияга қарши ҳуқуқий чоралар кўриб, маърифий ишларни олиб борди.

Симона де Бовуар ва Бетти Фридан ғоялари жамият онгининг ўзгаришига катта ҳисса қўшди. Халқаро ҳамжамят 70–80-йилларда аёлларга нисбатан дискриминациянинг барча шакллари йўқ қилишга қаратилган ҳужжатларни қабул қилди. Бу ҳужжатларда аёл шахси табиий вазифасидан юқори баҳоланди. Замонавий дунёда аёллар жамият бошқарувининг барча тузилмаларида фаол иштирок этадилар. Ушбу ўзгаришлар феминизмнинг ижтимоий тенгликка қўшган ҳиссасини англатади. XXI асрда феминистик назария ҳамкорлик ва ҳақиқий тенгликни олқишлайдиган, постиндустриал жамиятнинг муҳим қисмига айланади[6].

XXI асрга келиб дунёнинг ривожланган мамлакатларида гендер тенглигини таъминлаш ва жамиятда лидер аёлларни тарбиялаш масаласи долзарб масалалардан бирига айлана бошлади. Натижада феминизмнинг турли йўналишлари пайдо бўлди[7]. Бугунги кунга келиб Гендер тенглиги тамойили Европа мамлакатлари учун демократик қадриятларнинг ажралмас қисмига айланди. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларида аёлларнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётда тенг иштирокини таъминлашни устувор вазифа сифатида белгилаган[8]. Аммо аёлларнинг

сиёсий ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган ҳаркат намоёндалари орасида катта бўлинишлар юзага кела бошлади. Бундай ҳаркатлардан биринчиси **Либерал феминизм ҳисобланади. Ушбу йўналиш тарафдорлари барча соҳаларда аёллар ва эркаклар учун тенг имкониятлар яратишни талаб қилиб чиқдилар**[9]. Бу гуруҳдагилар таълим, меҳнат фаолияти ва етакчиликда тенгликни талаб қилиб чиқдилар.

Иккинчи тамойил тарафдорлари эса **Радикал феминизм** деб номланади. Улар жамиятнинг патриархал тузилишини инкор қилиб, ундан буткул воз кечишни талаб қилдилар.

Учинчиси **интерсекционализм йўналиши тарафдорлари бўлиб, улар аёлларнинг етакчиликка интилишида ижтимоий табақа, ирқ, миллат ва бошқа омилларнинг таъсирини асосий сабаб қилиб кўрсатади**[10].

Бугунги кунда лидер аёлларни тарбиялашнинг уларга имкониятлар яратиб беришнинг бир қанча гуруҳлари юзага келган. Масалан, **Коллаборатив етакчилик. Бу гуруҳ тарафдорлари жамиятдаги барча қонунлар ва қарорлар қабул қилинаётганда барча жинс вакиллариининг манфаатларини ҳам инобатга ошини назарда тутди**[11].

Иккинчи гуруҳ вакиллари жамиятдаги ҳар бир гуруҳ ва жамоада барчанинг эҳтиёжларини, фикрларини ва ҳиссиётларини тушунишга интилиш. Бу тенглик гендер тенгчилигининг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади[12]. Инклюзивлик тарафдорлари эса уйда ўтириб қолган ва оиладаги маиший муаммолар билан ўралашиб қолган аёлларни жамиятга мослаштириш дастури тарафдорлари томнидан илгари сурилга назария ҳисобланади. Квота тизими модели тарафдорлари давлат ва хусусий секторда аёллар учун махсус ўрин ажратиш тарафдорлари ҳисобланади[13].

Жамиятда лидер аёлларни келиб чиқиш тарихини феминистлар ҳаракати билан боғлиқлик жиҳатлари кўп. Чунки айнан феминистлар ҳаракати натижасида жамиятда лидер аёлларга кенг имкониятлар берилга бошлаган. Бу ҳаркатнинг келиб чиқиши ҳақида турли олимлар ўртасида турлича ёндашувлар мавжуд[14]. Айрим тадқиқотчилар феминистик ғояларнинг келиб чиқишини XVII асрдан бошланган бўлиб бунга инглиз адаблари Афра Бенн, Мэри Астелл, Батсуа Мэйкин ва ўша даврдаги француз ёзувчилари Мари де Гурне ва Франсуа де ля Барра кабиларнинг асарларини мисол қилиб келтирсалар, тарихчилар Герда Лернер, Жоан Келли ва Карен Гриннинг нуқтаи назарича, феминизм идеологиясининг илк белгилари қайта тикланиш даврида, француз ёзувчиси Кристина де Пизан ижодида намоён бўлган дейилади. XV асрда унинг саъй-ҳаракатлари орқали "аёллар ҳақидаги мунозаралар" деб номланган асарида аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари ҳам эътироф этилган[15].

Замонавий тарихчиларнинг аксарияти феминистик идеологиянинг ривожланишини XIX асрда ғарб дунёсида ташкил этилган ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар билан боғлайдилар, улар аёллар ва эркаклар учун тенг юридик ва сиёсий ҳуқуқлар учун курашган[16]. Кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, айнан ўша вақтда "феминизм" атамаси пайдо бўлган бўлиб, у латин тилидаги "femina" - "аёл" сўзидан келиб чиққан. Замонавий илм-фанда "феминизм" атамасини биринчи бўлиб илмий муомалага киритган шахс ҳақида турли тахминлар мавжуд. Айрим тадқиқотчилар (О. Воронина, М. Соколова, В. Успенская)нинг фикрига кўра, "феминизм" сўзини француз утопист-социалисти Шарль Фурье XVIII аср охирида ўйлаб топган. Философ феминистлар деб аёллар тенг ҳуқуқларининг тарафдорларини атаган ва "аёллар ҳуқуқларини кенгайтириш ижтимоий тараққиётнинг асосий манбаи" деб ҳисоблаган[17]. Бошқа тадқиқотчилар, жумладан, С.Г. Айвазова ва Н. Уолтер, бу атама муаллифлигини машҳур "Камелияли аёл" романининг ёзувчиси Александр Дюма-ўғлига (1824-1895) тегишли деб ҳисоблайдилар. Тадқиқотчи Т.А. Клименкованинг фикрига кўра, "феминизм" атамасини биринчи бўлиб 1895 йил 27 апрелда Лондоннинг "The Athenaeum" журналида Элис Росси ишлатган. Тарихчи Карен Оффеннинг фикрига кўра, "феминизм" атамаси 1882 йилда Францияда пайдо бўлган бўлиб, у вақтда сайлов ҳуқуқи учун ҳаракат иштирокчиси Губертина Оклер ўзини феминист деб атаган ва шу ном билан ўз газетасида мақолаларини чоп этган. 1892 йилда Парижда бўлиб ўтган биринчи феминистлар конгрессидан кейин "феминизм" атамаси кенг оммалашди ва 1894 йилга келиб, Буюк Британия, Испания, Италия, Германия ва АҚШ каби мамлакатларнинг газета ва журналларида пайдо бўлди[18].

XIX аср охири ва XX аср бошларида феминизмнинг ижтимоий ҳаракат сифатида шаклланишида муҳим ўринни суфражизм эгаллаган. Суфражизм (инглиз тилида *suffrage* – сайлов ҳуқуқи) аёлларнинг сайловда иштирок этиш фуқаролик ҳуқуқи учун курашини англатади. XIX асрнинг иккинчи ярмида Англиядаги аёллар ҳаракатининг иштирокчилари (М.Г. Фаусетт, Э. Панкхерст, К. Панкхерст ва бошқалар) суфражистка деб аталган. Суфражизм Англияда пайдо бўлиб, кейинчалик АҚШ, Германия, Франция ва бошқа давлатларда тарқалди. Илмий адабиётларда бу давр "тенглик феминизми" ёки "биринчи тўлқин феминизми" деб аталади ва у аёлларнинг эркаклар аллақачон эгаллаб турган ҳуқуқларни қўлга киритиш учун курашини ифода этади[19].

XX асрнинг 60–80-йилларида феминизм жамиятни тубдан ўзгартиришга қаратилган радикал шаклни олди. Иккинчи тўлқин феминистлари маданиятни чуқур ўзгартириш заруратини таъкидлаб, аёлларнинг шахсий эркинлиги ва автономияси масалаларини кўтаришди. Бу босқичда аёллар патриархал жамиятга (эркаклар ҳукмронлигига

асосланган жамият) қарши норозилик билдирдилар. Шу даврда неофеминизм пайдо бўлди, унинг асосий ғояси "аёлларнинг асосий вазифаси авлодни давом эттириш" деган анъанавий тасаввурларни енгиш талабида бўлган[20].

Феминизмнинг назарий асослари ишлаб чиқилиб, у замонавий дунёдаги муҳим ижтимоий ҳодисага айланди. Феминистик назариянинг асосий тушунчаларидан бири "гендер" тушунчаси бўлиб, у ҳанузгача феминизм фалсафасида баҳс мавзуси бўлиб қолмоқда.

Оксфорд фалсафа маълумотномасида "гендер" ижтимоий жиҳатдан жинслар ўртасидаги фарқларни ажратиш мақсадида киритилган тушунча сифатида таърифланади. "Жинс" ҳақида сўз кетганда, биологик фарқ назарда тутилади. "Гендер" эса аёл ва эркак тушунчаларининг социомаданий таърифларига асосланади ва уларнинг ижтимоий ҳолатига оид фарқларни кўрсатади[21].

Замонавий фан доирасида кўп қиррали ва ички қарама-қаршиликка эга бўлган феминизм учун ягона таъриф мавжуд эмас. Л. Таттлнинг "Феминизм энциклопедияси"да "феминизм" тушунчасининг 300 дан ортиқ таърифи мавжудлиги айtilган. Муаллиф таъкидлаганидек, "феминизмнинг асосий таърифи ҳали муҳокама жараёнида"[22].

Замонавий ғарб феминизм назариячилари феминизм тушунчасига турлича маъно берадилар, бу уларнинг қайси йўналишни ифода этишига боғлиқ. Масалан, XX асрнинг ўрталаридан бошлаб, феминизмнинг сиёсий моҳиятини таъкидловчи бир қатор назариялар пайдо бўлди. Америкалик тадқиқотчи Этель Кляйн ўзининг "Гендер сиёсати. Онгида сиёсатдан оммавий сиёсатгача" (1984) китобида феминизмни сиёсий идеология сифатида тасвирлайди, у аёллар ва эркакларнинг жамиятдаги тенг ролларини ҳимоя қилади ва аёллар оилада қўллаб-қувватланмаслиги, ижтимоий институтларнинг дискриминацияга нисбатан тўғри ёндашувининг етишмаслиги туфайли меҳнат бозорига кириш имкониятига эга эмаслигини таъкидлайди[23].

Россияда XIX аср охири – XX аср бошларида "феминизм" тушунчаси аёлларнинг фуқаролик ҳуқуқларини тан олиш, айниқса, сайлов ҳуқуқи ва олий таълим олиш ҳуқуқига эришиш учун мустақил ва уюшган тарзда ҳаракат қилишга интилишини англатган.

Шу билан бирга, Россияда (ва баъзи бошқа давлатларда) "феминизм" атамасига узок вақт давомида салбий таъриф берилган. Бошланғич даврда феминистлар эркакларга нисбатан нафрат қилувчилар ва ўз ҳуқуқларини мустақил тарзда амалга оширмоқчи бўлган исёнчилар сифатида қабул қилинган. Масалан, 1908 йилда Санкт-Петербургда бўлиб ўтган Биринчи умумроссия аёллар қурултойида рус феминисткаси С. Исполатова аёлларнинг мустақил бўлишга интилиши учун уларни "феминист" деб айбашлари ҳақида

гапирган. Бу сўз Россияда ҳатто ҳақорат сифатида қаралган[24]. Шу сабабли, XIX аср охири – XX аср бошларида кўплаб рус аёллар фаоллари (айниқса М. Трубникова, Н. Стасова ва А. Философова) ўзларини "равноправка" деб аташни афзал кўрганлар. Улар асосан аёллар таълимини ривожлантириш масалаларига эътибор қаратганлар. Шунингдек, Россиянинг 1860-йиллардаги ижтимоий-фарҳангий анъаналарида "феминизм" тушунчаси "аёллар масаласи" билан чамбарчас боғланган. "Аёллар масаласи" XIX асрда Россияда ҳар қандай ижтимоий аҳамиятга эга муаммоларни англатиш учун ишлатилган ибора сифатида тушунилган[25]. Совет даврига келиб феминизм асосан ишчи ва социалистик ҳаракатнинг бир қисми сифатида қаралган. У "буржуазия аёллари ҳаракати" сифатида тушунилиб, пролетарлар курашидан фарқли равишда "реакцион ва чекланган" деб баҳоланган[26].

Юқорида келтирилган маълумотларни умумлаштирган ҳолда, шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳозирги вақтда феминизм учун умумий қабул қилинган аниқ таъриф мавжуд эмас. Феминизмнинг таърифлари унинг қайси контекстда (сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ёки назарий) ривожланаётганига, аёллар ҳаракатининг кўтарилиш ёки пасайиш даврига боғлиқ. Феминизм аёллар кураши, ҳуқуқ тенглиги идеологияси, ижтимоий ўзгаришлар, стереотипик роллардан қутулиш, ҳаёт тарзини яхшилаш ва фаол ҳаракатларни ўз ичига олиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Beckwith, C. (2016). *The Rise of Women in Leadership: A Global Perspective*. Harvard University Press; Walby, S. (2011). *The Future of Feminism*. Policy Press; Young, I. M. (2000). *Inclusion and Democracy*. Oxford University Press; Rudman, L. A., & Glick, P. (2012). *The Social Psychology of Gender: How Power and Intimacy Shape Gender Relations*. Guilford Press.
2. Haffner, S. (2019). *Women and Politics: The New Era of Leadership*. Routledge; Tong, R. (2009). *Feminist Thought: A More Comprehensive Introduction*. Westview Press; Weldon, S. L. (2002); *Protest, Policy, and the Problem of Representation: A Comparative Study of Women's Movements*. *Social Politics: International Studies in Gender, State & Society*, 9(2), 139-168; Freedman, E. (2002). *No Turning Back: The History of Feminism and the Future of Women*. Ballantine Books.
3. Кастро, М. *The Power of Women: A Feminist Perspective on Leadership* (2014). Palgrave Macmillan
4. Харрис, С. А. *Women and Leadership in Higher Education* (2016). Routledge
5. Фридан, Бетти. *The Feminine Mystique* (1963). W. W. Norton & Company
6. Смил, Ж. *Gender Equality in Politics: The Role of Women in Decision-Making* (2017). SpringerLink

7. Eagly, Alice H. "The Female Leadership Advantage: An Evaluation of the Evidence." *The Leadership Quarterly*, vol. 14, no. 6, 2003, pp. 807-834.
8. Fielden, Sandra L., and Michele D. Davidson. "Gender and Leadership: A Case Study of Women in Political and Corporate Sectors." *Journal of Gender Studies*, 2018.
9. Kellerman, Barbara, and Deborah L. Rhode. "Women and Leadership: The State of Play and Strategies for Change." Jossey-Bass, 2013.
10. Kimmel, Michael S. "The Gendered Society." Oxford University Press, 2008.
11. Madhok, Sumi, Shirin Rai, and Mary McHugh, eds. "Intersectionality and Feminist Politics: Global Perspectives." Routledge, 2014
12. De Beauvoir, Simone. "The Second Sex." Vintage Books, 2011; *The Future of Women in Leadership* (Harvard Business Review, 2020)
13. Rhode, Deborah L., ed. "Women and Leadership: History, Theory, and Case Studies." Wiley-Blackwell, 2011; *Women in Political Leadership* (Global Women's Leadership Forum, 2021)
14. "UN Women's Report on Gender Equality in Leadership." UN Women, 2022; *UN Women's Report on Gender Equality in Leadership*, 2022
15. Брандт Г.А. Философская антропология феминизма. Природа женщины. - СПб, 2006.
16. Гендерные аспекты политической социологии. Учебное пособие /Отв. ред. С.Г. Айвазова, О.А. Хасбулатова. - М., 2004.
17. Гендерный калейдоскоп. Курс лекций /Под ред. М.М. Малышевой. -М., 2002.
18. Женщины в истории: возможность быть увиденными: Сб. науч. ст. / Под ред. И.Р. Чикаловой. Мн.: БГПУ, 2001. <http://www.genderstudies.info/sbornik/vozmoj/4.htm>
19. Ahmed S. "Living a Feminist Life". Duke University Press, 2017.
20. Жеребкина И.М. Теория и история феминизма. Курс лекций. Харьков, 1996.
21. Taylor V., Whittier N. "Feminist Frontiers". McGraw-Hill Education, 2011.
22. Tuttle L. *Encyclopedia of Feminism*. New York (Arrow Books), 1986.
23. Mohanty C. "Feminism Without Borders: Decolonizing Theory, Practicing Solidarity". Duke University Press, 2003.
24. Исполатова С. Самосознание женщин как фактор обновления общественного строя: из доклада на первом Всероссийском женского съезде в декабре 1908 г. //Женщины и земля. 1992, март.
25. Социологический энциклопедический словарь. М., 2000
26. Малая Советская Энциклопедия. М., 1931.